


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 9 июнь, № 113 (5280) Пайшанба


# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Манзил яқин бўлди

***СУРХОНДАРЁ. Термиз шаҳридаги "Транс автоплюс-ҳамкор" корхонаси аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида яна 10 та "ISUZU" автобусини харид қилди.***

Ушбу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 600 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Ҳозир янги йўналишларда мунтазам қатновни амалга ошираётган мазкур автобуслар иш бошлаши билан 16 кишининг бандлиги таъминланди.

Таъкидлаш керакки, вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида шу каби лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли 600 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Замонавий технология афзаллиги

***ҚАШҚАДАРЁ. Китоб туманидаги "Агро-Увайс" фермер хўжалигида замонавий технология асосида сутни қайта ишлаш йўлга қўйилди.***

Низомиддин Самадов ташаббуси билан амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли ҳозир бир кеча-кундузда ярим тоннага яқин сут қайта ишланиб, беш турдаги маҳсулот ҳудуддаги савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

Мазкур технологик линия фермер хўжалигининг ўз маблағи ҳисобига хориждан олиб келиб ўрнатилди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тадбиркор ташаббуси

***НАВОИЙ. Навбаҳор туманилик тадбиркор Моҳида Тошбоева 120 миллион сўмлик банк кредити ҳамда ўз маблағи ҳисобига миллий таомлар ошхонаси, савдо маркази ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриб, фойдаланишга топширди.***

Тадбиркор аёл атрофига уюшган 10 кишилик аҳил жамоа аҳолига ойига ўртача 20 миллион сўмликка яқин турли хизматлар кўрсатмоқда.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Янги спорт мажмуаси

***АНДИЖОН. Балиқчи туманидаги "Қувват ул-камол" корхонаси раҳбари Наврўзбек Ҳамроқулов саъй-ҳаракати билан бўш турган бино тубдан таъмирланиб, спорт мажмуасига айлантирилди.***

Тадбиркор ўз маблағи ҳисобидан мажмуани спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозлади. Натижада маҳаллий ёшларнинг ўнлаб спорт турлари бўйича шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилди.

Айтиш керакки, мазкур жамоа бокс қўлқопи, кимоно, кураш гилами сингари импорт ўрнини босувчи 20 турдан ортиқ спорт анжомлари ишлаб чиқармоқда.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




*Бугун Хоразмнинг қай бир шаҳару қишлоғига борманг, кўтаринкилик, хушнудлик, бунёдкорликнинг гувоҳи бўласиз. Бу бежиз эмас. Зеро, воҳада каттаю кичик Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатларга бош қўшиб, юртни янада обод этишга интилмоқда.*



## МУНАВВАР ҚАЛБЛАР ШИЖОАТИ

Бундай хайрли ташаббуслар вилоят маркази — Урганч шаҳрида ҳам яққол кўзга ташланади. Шаҳар аҳлининг орзу-умидлари, истак-интилишлари ифодасини сўнгги йилларда бунёд этилган янги саноат корхоналари, муҳташам ўқув масканлари, маъмурий ва тураржой бинолари, бетакрор боғу мажмуалар қиёфасида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, шаҳарнинг марказий майдони кўнгилга ажиб бир хотиржамлик бахш этади, қалбларга эзгулик ҳиссини солади. Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган ушбу майдон бугунги кунда шаҳар аҳлининг фахру ифтихори рамзига айланган.

Ҳар куни ана шу серфайз гўша бахтли келин-куёвлар, меҳмонлар ва сайёҳлар билан гавжумлашади. Буюк бобокалонимиз Ал-Хоразмийнинг майдон марказида савлат тўкиб турган муаззам ҳайкали пойига гуллар қўйилади.

— Ушбу майдонга келиб, томоша қилар эканман, ҳар гал юрагимда фахр ҳиссини туяман, — дейди Отабой ота Бобоев. — Юртимиз жамолидан, бугунги янгиланишлардан кўнглим қувончга тўлади. Фарзандларим, набираларимнинг бахти учун суюнаман. Шукрки, уларнинг ёшлик йиллари саодатли, шукуҳли замонга тўғри келди. Болаларимиз ҳамманинг ҳавасини келтирадиган, истеъдодли, билимли, ҳунарли бўлиб вояга етишаяпти. Буларнинг бари тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт маҳсулидир.

Дарҳақиқат, буюк боболарининг муносиб давомчиси бўлмиш бугунги авлод вакилларига ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди. Уларнинг янгидан бунёд этилган мактаблар, коллежу лицейларда замонавий асосда пухта билим олиши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

(Давоми 2-бетда).

*Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг ўзимизга хос моделидан келиб чиқиб ва халқаро ҳуқуқнинг ҳозирги талабларини ҳисобга олган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.*

## ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

**Олий Мажлис Сенатида**

Президентимиз Ислом Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ташқи сиёсат, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Германия Федератив Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқ соҳасида халқаро ҳамкорлик жамғармаси билан биргаликда ташкил этилган "Ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боришда адлия органларининг роли. Халқаро тажриба ва амалиёт" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, ҳозирги вақтда ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини олиб боришни таъминлаш вазифалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда адлия органлари катта иш олиб бормоқда. Сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги олим ва мутахассислар қонунчиликни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидладилар. Хусусан, ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатиш имконини берадиган, текширув ва мониторинг ўтказиш,

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорлар учун кўргазмали семинар ўтказилди.

## РАҒБАТ ВА ИМКОНИЯТ

### ишбилармонлар фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда

**Семинар**

Мазкур тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар моҳияти ҳақида кенг тушунча бериш, ишбилармонлар фаолиятида учрайдиган айрим тўсиқ ва муаммоли масалалар ечимини топиш, шунингдек, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда уларнинг таклифларини ўрганиш мақсадида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда тадбиркорларнинг эркин ишлашлари учун қулай муҳит яратиш, уларнинг ҳуқуқий эркинлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, соҳа вакилларига солиқ солиш тизимининг ривожланиш босқичларига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ҳар бир босқичи мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди. Масалан, дастлабки босқичда бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг, жумладан, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кафолатларини таъминлашга эътибор қаратилган бўлса, кейинги босқичда тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини кескин камайтириш ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинди.

2002 йилдан бошлаб эса кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги улушини ошириш, уларга қўшимча шарт-шароит яратиш, рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш, рухсат бериш механизмини қисқартириш ва ҳисобот тизими тартибларини такомиллаштиришга эришилди. Натижада охирги беш йил мобайнида юртимиз тадбиркорлари сони 145 мингтага кўпайиб, айни пайтда 454 мингтага етди.

Тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса, жорий йилда янги босқичга кўтарилганлиги, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи органларнинг аралашувини кескин қисқартиришга қаратилган талайгина вазифалар белгилаб берилдики, айни пайтда унинг ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилаётганлиги семинар қатнашчиларига тушунтириб берилди.

(Давоми 2-бетда).

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИ КАФОЛАТЛАРИ

***Президентимизнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган масалалар, хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган қатор вазифалар белгилаб берилди.***

**Концепция**

Жумладан, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш фурсати етганлиги, мазкур қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги — фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бинобарин, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг асосий усулларидан бири, бу — жамоатчиликни мазкур органлар фаолияти тўғрисида очиқ ва ҳаққоний хабардор этиш ҳисобланади. Ўта муҳим бўлган ушбу вазифани бажаришда фуқаролик жамиятининг муҳим институти саналмиш оммавий ахборот воситаларига алоҳида аҳамият қаратилади.

(Давоми 2-бетда).

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

***Шу кунларда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида фаол қатнашаётган юртдошларимиз ислоҳотлар моҳиятини чуқур ҳис этадиган, муҳими, уларни рўёбга чиқаришда камарбаста бўладиган номзодларга овоз бермоқдалар.***

## ТАЖРИБА ВА САЛОҲИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Қорақалпоғистон Республикасидаги 363 та фуқаролар йиғинининг 356 тасида бўлиб ўтган сайлов жараёнлари мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Жумладан, Нукус шаҳридаги "Жеке терек" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам сайлов ана шу руҳда ўтказилди. Унда сайловчилар вакиллари уч нафар номзоднинг сайловолди дастурлари, ушбу дастурларда илгари сурилган ғоялар билан танишиб чиқиб, Бахтбой Жиемуратовга ишонч билдирдилар.

— Маҳалла оқсоқоллигига сайланган Б. Жиемуратов номзодини кўпчилик маҳалладошларим қатори қўллаб-қувватладим, — дейди маҳалла фаолларидан бири Бекмурод Орзубоев. — Чунки бу киши маҳалла етакчиси сифатида анча тажриба тўплади, ҳар бир инсоннинг дилидагини яхши тушунади. У ўтган даврда маҳалламизда амалга оширилган барча хайрли ишларга бош-қош бўлди. Жумладан, ҳудудни ободонлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш йўлида елиб-югурди.

(Давоми 2-бетда).

## ЛИЗИНГ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

***Иқтисодиётни модернизация қилиш, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини лизинг тизимисиз тасаввур этиш қийин. Бугунги кунда лизинг амалиётлари ҳажми мунтазам ошиб бораётгани мазкур замонавий молиявий хизмат нуфузи нечоғли катта эканлигининг ёрқин тасдиғидир.***

**Молия бозори**

*Шу билан бир қаторда, мазкур соҳанинг изчил ривожланаётгани лизинг хизмати бозорининг барча иштирокчилари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий асосларни янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Муҳаммаджон ТУРСУНОВ бу йўналишда қандай чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Лизинг компанияси хизматидан фаол фойдаланиб келаётганлар орасида фермер хўжаликларини алоҳида тилга олиш лозим. Хусусан, ўтган йили лизинг хизматлари бозорида имзоланган 430 миллиард сўмлик 5,5 мингдан зиёд шартномаларнинг 28,7 фоизи қишлоқ хўжалиги техникалари ҳиссасига тўғри келади. Бунда фермер хўжаликлари учун лизинг асосида техника олиш бўйича бир қатор имтиёзлар яратиб берилгани айни муддао бўлаётир. Масалан, лизинг муддати 10 йил бўлиб, техника нархининг 15 фоизи миқдорида аванс тўланиши белгиланган ва лизингнинг йиллик фоизи қайта молиялаш ставкаси миқдорининг эллик фоизидан ошмайди. Булар, ўз навбатида, трактор ёки комбайн олишга бирданига катта миқдорда сармоя ажратиш имконига эга бўлмаган ер эгаси учун зарур замонавий техникани харид қилиш имкониятини яратиб беради.

Шунингдек, 2010 йил давомида юк ва йўловчи автотранспорти, ирригация ускуналари, кўчмас мулкка доир имзоланган лизинг битимларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ускуналари, махсус қурилиш техникалари ва бошқаларга бўлган қизиқиш ҳам ортиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан лизинг секторини ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор, яратилаётган солиқ имтиёзлари туфайли ҳамда соҳада қонунчиликнинг такомиллаштирилиши натижасида юртимизда лизинг операциялари ҳажми тобора ўсиб бормоқда. Жорий йил бошида республика бўйича лизинг портфели 1,13 триллион сўмни ташкил этгани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИ КАФОЛАТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири ҳисобланган оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги ўрни ва аҳамиятини таъминлайдиган, демократик талаб ва тамойилларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Айниқса, нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидандир.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, жумладан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эдилар: “Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда бошқа бир ижтимоий институтга — оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади... Оммавий ахборот воситалари мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасидаги холис воситачи бўлиши... зарур”.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари томонидан ўз фаолияти орқали давлатга нисбатан ўзига хос таъсир кучи яратилади. Бу таъсир жамоатчилик фикрини шакллантириши, ҳокимият ва бошқарув органларини тегишли қарор қабул қилишга, бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш жараёнини амалга оширишга, кишиларда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари айрим сиёсий ва ижтимоий жараёнларга, давлат ва жамият қурилиши масалаларига ҳамда қабул қилиниши назарда тутилаётган қонун лойиҳалари ва ҳукумат қарорларига ўз муносабатларини билдириши орқали жамоатчилик назоратини амалга оширадилар.

Албатта, оммавий ахборот воситалари бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланмайдилар, лекин мазкур институтнинг иштирокисиз давлат органларининг муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун улар сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликда, давлат билан халқ ўртасидаги муносабатлар тизимида воситачи сифатида ижтимоий мувозанатни юзага келтириш вазифасини ўтайдилар.

Бундай воситачилик, шубҳасиз, ҳар икки томон учун ҳам фойдалидир. ОАВ воситачилигида ҳокимият жамият билан ўзаро мулоқотга киришади, яъни ўз нуқтаи назарини халққа етказиб, жамиятдаги вазият ва ҳокимият органларининг қарорларига нисбатан жамоатчиликнинг муносабати тўғрисида объектив ахборот олади. Аҳоли эса, ўз навбатида, у ёки бу ҳолат юзасидан ҳокимият институтларининг сиёсати тўғрисида маълумотга эга бўлади ва оммавий ахборот воситалари орқали муайян даражада унинг моҳиятига таъсир ўтказади.

Юртбошимиз фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтади, яъни эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, холис баҳо бериб бориши керак.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини ҳам муайян даражада таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш ва ниҳоят, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

**М. НАЖИМОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти кафедраси мудири.**

# ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тақдимномалар киритиш сингари ва бошқа ҳуқуқий воситалар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида қатнашган халқаро экспертлар ўз маърузаларида таъкидлаганларидек, Ўзбекистонда самарали меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган. Ҳозирги халқаро талабларга тўла мос келадиган миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти босқичма-босқич ривожланмоқда ва такомиллашмоқда.

Улар Германия адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали ягона давлат сиёсатини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш масалаларидаги иш тажрибаси билан батафсил ўртоқлашдилар.

Тадбирда иштирокчилар томонидан қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалаларида давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди, шунингдек, бу йўналишда халқаро тажрибани қўллашнинг муҳимлиги қайд этиб ўтилди.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Тадбирда сенаторлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг мутахассис ва экспертлари, Германия Федератив Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқ соҳасида халқаро ҳамкорлик жамғармаси, олий ўқув юртлари, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# РАҒБАТ ВА ИМКОНИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинарда Президентимизнинг шу йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига биноан жорий этилган янгиликларга батафсил тўхталиб ўтилди. Эндиликда янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб, дастлабки 3 йилда уларнинг молия-хўжалик фаолияти режали солиқ текширувларидан ўтказилмаслиги, 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг шу давригача солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланганлиги шундай имтиёзлар жумласидандир.

Жорий йилнинг апрель — декабрь ойларида солиқ идоралари томонидан текширилиши мўлжалланган 3780 та кичик бизнес субъектларидан жами 798 таси ёки 21 фоизи режадан чиқарилди.

Анжуманда, шунингдек, ишбилармонлар фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи бу каби енгилликлар Президентимизнинг жорий йил 12 майда имзоланган “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам қайд қилингани эътиборга моликлиги эътироф этилди. Қарорга биноан, 1 июндан бошлаб енгил автомобилларни таъмирлаш, мева-сабзавот консервалари, пойабзал, чарм, мўйна ва чарм-галантерея саноати учун технологик ускуналарни, тикув ва рўзғор, электр асбобларини ишлаб чиқариш каби жами 44 та фаолият тури бўйича кичик корхоналарда ўртача йиллик ходимлар сонининг амалдаги 21 тадан 50 тагача чегаравий миқдори 100 тагача кўпайтирилди. Бу имтиёз, ўз навбатида, ушбу фаолият турлари билан шуғулланиб келаётган йирик тадбиркорлик субъектларига солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини танлаш ҳуқуқини, ишчилар сонини кўпайтириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, семинарда тадбиркорлик субъектлари учун ҳукуматимиз томонидан яратилаётган енгилликлар билан бир қаторда, Давлат солиқ қўмитаси тизимида солиқ тўловчилар билан ўзаро сифатли электрон ахборот алмашинувини жорий этиш, давлат солиқ хизмати органлари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган ўттизга яқин дастурий маҳсуллар амалиётга татбиқ этилгани ҳамда ўндан ортиқ интерфаол хизматлар кўрсатилаётгани таъкидланди.

Бу борада Давлат солиқ қўмитаси томонидан олиб борилаётган ишлар давлатимиз томонидан маъқулланиб, жорий йил 2 майда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган интерфаол хизматлар турларининг янада кенгайтирилгани уларнинг қўшимча равишда тўлаган солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммалари, молиявий жарималар ва пенялар, ортиқча тўлов суммаси, солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни тезкор олиш имконини оширади.

Семинарда Давлат солиқ қўмитаси, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Савдо-саноат палатаси ва бошқа мутасадди идоралар мутахассислари ўз йўналишлари бўйича юридик ва жисмоний шахслар ҳамда чет эллик инвесторлар учун яратилаётган қулайликлар, енгилликлар мазмун-моҳиятини махсус жиҳозланган павильонларда кўргазмали воситалар, буклет ва тарқатма материаллар ёрдамида батафсил тушунтириб бердилар.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган семинарда иштирок этган 500 нафар тадбиркордан 90 нафари ўзларининг таклиф ва миннатдорчиликларини билдириб, саволларига жавоб олдилар. Қолган тадбиркорларга савол ва таклифларини Давлат солиқ қўмитасига ёзма равишда йўллаш тўғрисида тавсиялар берилди.

Бундай тадбирларни республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказиш режалаштирилган.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МУНАВВАР ҚАЛБЛАР ШИЖОАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).



Урганчда бугун бундай ўқув масканлари сони 20 га яқин. Улар нафақат таълим-тарбия ва касб-ҳунар ўрганиш масканi, балки ёшлар учун маънавий-маърифий, илмий-техникавий марказ сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, мазкур таълим даргоҳларида қанчадан-қанча ёшлар хизмат кўрсатиш соҳаси, санъат, спорт, хусусий бизнес ва тадбиркорлик, илм-фан йўналишлари бўйича сабоқ олиб, малакали мутахассис сифатида шаклланмоқдалар.

Кейинги йилларда бунёд этилган Ахборот ва компьютер технологиялари, Туризм, Автомобиль ва йўллар, Олимпия захиралари, Нефть ва газ саноати коллежлари, Урганч давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги лицейлар жаҳон андозалари даражасидаги муҳташам кўриниши ҳамда шарт-шароитлари билан ёшларни янгидан-янги муваффақиятлар сари бошламоқда.

— Урганч санъат коллежи битирувчисиман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Шаҳло Солаева. — Коллежда миллий ва жаҳон мумтоз санъати намуналарининг мазмун-моҳиятини чуқур ўргандим. Маҳоратли устоз ва мураббийлар кўмагида мусиқа санъати сирларидан сабоқ олиб, ўзим ҳам куйлар яратишга муваффақ бўлдим. Келгусида миллий санъатимиз довруғини жаҳонга ёйсам, дейман!..

Ёшлар дилидаги бундай пок ниятлар бугун барчанинг онгу шуурига бирдек жо бўлган. Хусусан, “Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига 20 туп дарахт — менинг туҳфам” шиори остида шаҳарни кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Биргина жорий йилги кўкламда урганчликлар бир миллион тупга яқин дарахт экишди.

Шаҳардаги йўлларни кенгайтириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Урганч” халқаро аэропорти билан муҳташам вокзални бир-бирига туташтирувчи йўлда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳарнинг марказий деҳқон бозори эса янгидан қурилди. Ҳозир шаҳарда янги буюм бозори бунёд этилмоқда.

Қувонарлиси, жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, шаҳардаги давлат рўйхатидан ўтган корхоналар сони 3799 тани ташкил этди. Уларнинг 82,6 фоизи кичик бизнес субъектларидир. Бу эса шаҳарда тадбиркорлик тобора ривожланиб бораётганининг яққол далолатидир. Зеро, бугун истиқлол яратган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юрт равнақига муносиб улуш қўшиш ниятида хайрли ташаббусларни илгари сураётган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил қилади. Улар озод Ватанимизнинг фаровон келажагини таъминлаш йўлида астойдил интилмоқдалар.

**Сотим АВАЗ.**
**Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.**

*Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол вояга етказиш, уларнинг иқтидору истеъдодларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кўламли ислоҳотлар, қаратилаётган беқиёс эътибору бемисл ғамхўрликлар самараси ўлароқ, бугун истиқлол фарзандларининг спортда, мусиқа санъатида, ҳунармандчилик, қолаверса, илму фан чўққиларини забт этишда эришаётган муваффақиятларини жаҳон аҳли тобора кенг тан олаётир.*

# ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ЮКСАК ИҚТИДОРИ

## дунё миқёсида ҳам кенг тан олинмоқда

**Биз ва жаҳон**

Бунинг замирида Президентимиз раҳнамолигида эртамиз эгаларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар, уларнинг маҳоратларини юзага чиқариш борасида бажарилаётган дастурий вазифаларнинг аҳамияти катта. Зотан, Юртбошимиз кўп бора таъкидлаганларидек, “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт”.

Хусусан, яқинда мамлакатимизнинг Мисрдаги элчихонаси кўмагида Қоҳира опера театрида ёш ўзбек скрипкачиси Тоҳиржон Яхшибоевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган концерти бўлиб ўтди. Унда эҳромлар юрти маданияти ва санъатининг етук намояндалари, Қоҳира консерваторияси профессор-ўқитувчилари ва талабалари, қатор маданият марказлари раҳбарлари, хорижий дипломатия ваколатхоналари ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мусиқий тадбир давомида истеъдодли скрипкачи Т. Яхшибоев роялда унга жўрлик қилган онаси Юлдуз Яхшибоева билан атоқли ўзбек бастакори Мустафо Бафоев ва дунёнинг машҳур композиторлари А. Жубанов, И. Бах, М. Глинка, Ж. Тартини, О. Ридинг, Ф. Крейслер, Г. Венявскийнинг мумтоз асарларини маҳорат билан ижро этди.

Тоҳиржон эндигина 21 ёшни қаршилаётганига қарамай, унинг номи дунё мусиқа ихлосмандларига яхши таниш. У дастлаб Тошкентдаги Глиэр номли Республика академик лицейида таҳсил олди. Сўнг ўз ижрочилик маҳоратини Россия, Норвегия ва бошқа мамлакатларнинг нуфузли мусиқа марказларида оширди. Шу билан бир қаторда, турли халқаро танловларда иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олди. Бугунги кунда у кўплаб шогирдлар ҳам тайёрлашга улгурганки, улар Ҳиндистон, Хитой ва Мисрнинг етакчи симфоник оркестрларида ўз фаолиятларини давом эттиришмоқда. Унинг айрим ўқувчилари эса Германия ва Испанияда маҳоратларини оширишаётир.

(Давоми 4-бетда).

# ЛИЗИНГ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунга монанд равишда тизимда хизмат кўрсатиш даражаси ҳам юксалиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда республикамизда 50 та лизинг компанияси ва 31 та банк ана шу хайрли юмуш билан шуғулланиб келаётир.

Айни пайтда лизинг тизими, лизинг компаниялари ва банкларнинг амалий фаолияти ривожлана бориши натижасида баъзи бир ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам юзага келмоқда. Улар, ўз навбатида, лизинг муносабатлари ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, лизинг операциясида уч томон — лизинг объекти сотувчиси, лизинг берувчи ва лизинг олувчининг иштироки талаб қилинади. Бошқача айтганда, лизингда лизинг компанияси (лизинг берувчи) мижознинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан, сотувчидан (лизинг объекти) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва келишилган муддатда фойдаланиш учун беради.

Лекин ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Масалан, баъзида лизинг олувчи турли сабабларга кўра, шартнома шартларини бажара олмаслиги ҳолатлари ҳам учраб туради. Аммо “Лизинг тўғрисида”ги Қонунда лизинг объекти суднинг қарорига кўра, лизинг олувчидан талаб қилиб олиниши ёки тарафларнинг ўзаро битими асосида қайтарилишидан кейинги ҳаракатлар назарда тутилмаган. Шунингдек, мазкур ҳуқуқий ҳужжатда талаб қилиб олинган ёки қайтарилган лизинг объектини бошқа лизинг олувчига бериш имконияти ҳам белгиланмаган.

Бу каби объектларнинг қолдиқ нархи баландлиги, шунингдек, лизинг тўлови бўйича қарздорликни қоплаш билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган масалалар туфайли уларни сотиш муаммога айланмоқда. Шунинг учун ҳозирги вақтга келиб лизинг компаниялари ва банклар балансида талаб қилиб ёки қайтариб олинган катта миқдордаги лизинг мол-мулклари “ўлик юк” бўлиб турибди.

ЎзЛиДеПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг бир гуруҳ депутатлари лизинг хизматлари бозорини ўрганишлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, лизинг компаниялари томонидан қайтариб олинган техника ва ускуналар ҳажми катта миқдорни ташкил этаётир. Ваҳолонки, ушбу ускуналар ва қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиш орқали қўшимча даромад олиш мумкин эди.

Бу борада халқаро тажриба ва амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор мамлакатларда лизинг операцияларини амалга ошириш учун сотувчига ҳожат йўқ экан. Шунинг учун олиб қўйилган лизинг мол-мулкини учинчи шахсга бериш мумкин.

Олиб борилган таҳлиллар асосида депутатлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, Фуқаролик кодекси ва “Лизинг тўғрисида”ги Қонунга ўзгартишлар киритишни таклиф қилишди. Унга мувофиқ, лизинг берувчи олиб қўйилган лизинг объектини лизингга бериш, шунингдек, банклар ва бошқа кредит муассасалари қарздорликни қоплаш ҳисобига олинган мулкларни лизингга бериш ҳуқуқига эга бўлади. Шу билан бир қаторда, лизинг шартномасига кўра, сарфланган маблағлар қайтарилишининг лизинг берувчи томонидан талаб қилинаётган кафолатини таъминлаш шакллари сонини кўпайтириш таклиф қилинмоқда. Қонун лойиҳаси ташаббускорларининг қайд этишича, кафолат таъминланиши шаклларининг таркибий ўзгартирилиши лизинг тўловлари бўйича муддатни ўтказиб юбориш ҳолатларини камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, лизинг берувчининг ўз фаолиятини ривожлантиришига замин яратади. Қолаверса, қонун лойиҳасида лизинг берувчиларга лизинг объекти бўйича дастлабки тўлов миқдорини мустақил белгилаш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда.

Аниқроғи, “Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзланмоқда. Шундай қилиб, Қонуннинг 2-моддасини ушбу мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилаётир: “Лизинг берувчи унга қайтарилган лизинг объектини ёки қарздорларнинг қарзини тўлаш эвазига уни мулк ҳуқуқига қабул қилинган (қолдирилган) мулкни ҳам лизингга беришга ҳақлидир. Бундай лизинг икки тарафлама — лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузиладиган лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади”.

12-модданинг олтинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинмоқда: “Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи олдиндан тўлаган бўнак лизинг тўловларини, лизинг объектидан фойдаланишдан олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, шунингдек лизинг объектини сотиб олиш нархига оид тўловни (лизинг олувчини лизинг объектини сотиб олишда улуш ҳақи бўлган ҳолларда), лизинг объектидан амалда фойдаланилган муддатга мутаносиб эскиришини чегириб ташлаган ҳолда, ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли”.

Қонуннинг 20-моддаси янги таҳрирда таклиф этилмоқда:

“20-модда. Лизинг шартномаси бўйича таъминлаш.

Лизинг шартномасига боғлиқ равишда сарфланган маблағлар қайтарилишининг кафолати сифатида лизинг берувчи лизинг олувчидан таъминлаш берилишини, шу жумладан гаров, банк кафолати ёки учинчи шахснинг кафиллиги кўринишидаги таъминлаш берилишини талаб қилиши мумкин.

Лизинг операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида томонлар лизинг олувчини лизинг объектини сотиб олишда улуш ҳақи қўшишини келишишлари мумкин”.

Шундай қилиб, қонунчиликка киритилиши таклиф этилаётган ўзгартишлар республикамизда лизинг тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши лозим.

Биринчидан, лизинг берувчи олиб қўйилган лизинг объектини лизингга бериш, шунингдек, банклар ва бошқа кредит муассасалари қарздорликни қоплаш ҳисобига қарздорлардан ўз тасарруфига олинган мулкларни лизингга бериш ҳуқуқига эга бўлади. Бу лизинг берувчиларнинг, банклар ва бошқа кредит муассасаларининг молиявий аҳволини соғломлаштириш, лизинг берувчилар, банклар ва бошқа кредит муассасалари тасарруфида “ўлик юк” бўлиб турган мулкларни иқтисодий айланмага жалб қилиш имконини беради.

Иккинчидан, лизинг келишуви иштирокчилари амалдаги қонунчиликда белгиланганидан ташқари, кенг миқёсли таъминлаш воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Бу лизинг келишувлари сонининг кўпайишига хизмат қилади.

Учинчидан, таклиф қилинаётган ўзгартишлар лизинг амалиётлари бўйича тўловларни қайтаролмаслик хавфини камайтирган ҳолда, лизинг келишувларини кўпайтиришга йўналтирилган бўлиб, айни пайтда молиявий хизматларнинг ушбу турлари сифат кўрсаткичини юксалтиради. Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектларига янги лизинг объектларини олиш учун қулай шарт-шароитларни яратади.

Хуллас, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимиз иқтисодиётининг турли секторларида иш олиб бораётган лизинг компаниялари фаолиятининг янада такомиллашуви ва кенгайишига пойдевор бўлади.

**Сергей ЛИ ёзиб олди.**

# ТАЖРИБА ВА САЛОҲИЯТ УЙҒУНЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур маҳаллада касаначиликни ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилаётир.

Ҳозирги кунда маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 20 га яқин корхона ва хизмат кўрсатиш субъектлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Яқинда уларнинг сони яна биттага кўпайди. Қурилиш моллари олди-сотдисига ихтисослаштирилган бозор ишга тушиши натижасида маҳалладаги ўнлаб ёшлар доимий иш жойига эга бўлди. Шу кунларда эса маҳалла аҳолиси оқсоқол билан бамаслаҳат яна бир нечта истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш устида иш олиб бормоқдалар.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

***Гаити пойтахти Порт-о-Пренс шаҳрида юз бераётган сув тошқинлари қатор ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.***

### Охири кўринмаётган офат

Жумладан, табиий офат оқибатида айрим жойларда ер кўчкилари содир бўлиб, транспорт воситалари ҳаракати тўхтаб қолган. Йигирма уч киши бедарак йўқолган. Қурбонлар ва жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Бу ҳодиса, ўз навбатида, маҳаллий аҳоли ўртасида саросимани келтириб чиқарди. Шу боис мамлакат раҳбари халққа мурожаат қилиб, хотиржам бўлишга ва талафотларни бартараф этишда кўмаклашишга чақирди.

Яқин кунлар ичида Гаитида тўфонлар мавсуми бошланиши айтилмоқда. Бу ўтган йили рўй берган зилзиладан сўнг тарқалган вабо эпидемиясидан силласи қуриган гаитиликлар учун яна қўшимча ташвиш келтириб чиқариши мумкин.

### «Уйқудан уйғонган» вулқон

***Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳридаги иккита аэропорт фаолияти вақтинча тўхтатилди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.***

Бунга шу кунларда Чили давлати ҳудудидаги Пуйеуэ вулқонининг ҳаракатга келгани сабаб бўлди. Шунингдек, мазкур ҳодисанинг салбий таъсири Бразилия ва Парагвай мамлакатлари авиакомпаниялари иш тартибини ҳам издан чиқарган.

Пуйеуэ вулқони денгиз сатҳидан 2240 метр баландликда жойлашган бўлиб, у 50 йиллик "уйқудан" сўнг қайта "уйғонган".

### Хакерлар ҳужуми

***Япониянинг кўнгилочар қурилмалар ишлаб чиқарувчи "Nintendo" корхонаси хакерлар ҳужумига учради.***

Манбага қараганда, кибержиноятчилар унга тегишли сервердан шахсий маълумотларни қўлга киритишга муваффақ бўлганлар. "Nintendo" Япониянинг сўнгги кунларда хакерлар ҳужумига учраган биринчи корхонаси эмас. Гап шундаки, ўтган ҳафтада мазкур мамлакатнинг "Sony" компанияси ҳам ана шундай жиноятчилар босқинидан зиён кўрганди. Ўшанда унинг маълумотлар базасидан 77 миллион нафар мижознинг муҳим ҳужжатлари ўғирланган эди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***



***Асаларилар ҳаёти билан қизиққанмисиз? Агар уларни синчиклаб кузатсангиз, бу митти жониворларнинг чинакам ошуфтасига айланиб қолишингиз турган гап. Негаки, биз учун мўъжизавий маҳсулот тортиқ қиладиган боларилар ўз жуссасидан катта вазифани уддалаш учун сира тиним билмайди: уясидан 2-3 километр, ҳатто ундан ортиқ масофага учиб бориб, нектар ва гул чангини йиғиш, нектарни асалга айлантириш, мум ишлаш, наслларни боқиш, катак қуриш, уяни қўриқлаш, қанотлари билан елпиб, ҳавони алмаштириш... Уларнинг кундалик "иш тартиби" шундай.***

# АСАЛАРИЧИЛИК РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

## халқимиз дастурхонини шифобахш неъмат билан таъминлашга хизмат қилмоқда

**Таҳлил**

**М**аълумки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг ушбу муҳим тармоғини ривожлантириш учун табиий имкониятлар ниҳоятда катта. Юртимизнинг сўлим водийлари, пурвиқор тоғлари гулу гиёҳларга бой. Кейинги йилларда ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, тармоқни сифат жиҳатидан яхшилаш ва маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Республикада 2009 — 2011 йилларда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастурининг ишлаб чиқилгани бунда муҳим омил бўлмоқда.

— Дастур ўзида асаларичиликни комплекс ривожлантиришга қаратилган барча йўналишларни қамраб олгани билан янада аҳамиятлидир, — дейди республика "Ўзбек-Асал" асаларичилик уюшмаси раиси Абдухалил Чекалов. — Унинг изчил ижроси, айтиш мумкинки, тармоқ ривожида сифат жиҳатдан янги даврни бошлаб берди. Чунки асаларичиларимиз эътибор ва ғамхўрликни ўз фаолиятларида чуқур ҳис этишмоқда. Масалан, ўтган йили 14 та асаларичилик фермер хўжалиги тижорат банкларининг 177,6 миллион сўм, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари эса 323 миллион сўм кредитларидан баҳраманд бўлди. Бундан ташқари, уларга ер майдонлари ҳам ажратиб берилаяптики, пировардида асаларичилик хўжаликлари сони тобора кўпаймоқда. Айни пайтда барча тоифадаги хўжаликлар сони 6 минг 940 тадан, уларда парваришланаётган асалари оилалари эса 250 мингтадан ошгани бунинг исботидир.

Маълумотларга қараганда, республикамизда асал етиштириш ҳажми йил сайин кўпаймоқда. Масалан, 2010 йилда аввалги йилдагига нисбатан қарийб 500 тонна кўп, жами 2 минг 839 тонна асал тайёрланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 4 минг тоннага етказилиши кутилмоқда. Мутахассислар қўлга киритилаётган муваффақиятларни нафақат асалари оилалари сони ўсиши, балки наслчилик ишлари ривожланаётгани, маҳсулотни қайта ишлаш, қадоқлаш бўйича тажриба ортаётгани билан изоҳлашмоқда.

Чиндан ҳам, ўтган йили асалари зотларини яхшилаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида Украинадан 882 дона зотли она ари келтирилиб, хўжаликларга етказиб берилди. Эътиборлиси, бу хайрли ташаббус кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб-қувватланиб, маҳсулдор боларилар ўзимизда ҳам кўпайтирилмоқда. Фарғоналик Шерали Суярқулов — бу ишга қўл урган тадбиркорлардан бири. У етакчилик қилаётган "Асаларичи-1" кичик корхонасида наслли болари оилалари кўпайтирилиб, деҳқон ва фермер хўжаликларига мунтазам етказиб берилаяпти. Тадбиркор фаолиятини янада кенгайтириб, яқинда мум парда тайёрлаш ва қадоқлаш цехларини ҳам ишга туширди.

Шерали Суярқуловдек тадбиркорларнинг сафи кенгайиб бораётгани туфайли нафақат Фарғонада, балки Андижон, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги асаларичилик фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан кафолатланган наслли она арилар, шунингдек, асалари янги оилалари (пакети)ни керакли миқдорда етказиб бериш имконияти яратилди. Кейинги йилларда Дастурга мувофиқ, 27 та корхона ташкил этилиб, уларда асалари қутиси, рамкаси, тутатқич ва юз ниқобидан тортиб, маҳсулотни қайта ишлаш жараёнида қўлланиладиган зарур асбоб-ускуналар тайёрлаш йўлга қўйилгани бунинг ёрқин далили, тармоқ ривожига қаратилаётган эътиборнинг маҳсулидир. Муҳими, шу каби қўшимча йўналишлар ривожлантирилиши туфайли кейинги йилларда 3629 та иш ўрни яратилди.

— Дастурда асаларичиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларини кўпайтириш вазифаси ҳам белгилаб берилган, — дейди Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Тўхта Бозоров. — Унинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида кейинги йилларда кўплаб фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларнинг сони 662 тага етказилди. Мазкур соҳа асаларичиликда катта тажриба тўпланган Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Жиззах ва Бухоро вилоятларида, айниқса, жадал ривож топмоқда. Қўрғонтепа туманидаги "Барлос асали", Избоскан туманидаги "Избоскан асали" ва бошқа илғор фермер хўжаликлари, шунингдек, қашқадарёлик хусусий тадбиркорлар Эргаш Ботиров ва Сирожиддин Салямов фаолияти бунга мисол бўла олади. Уларнинг ҳар бирида йилига 3-4 тоннадан асал тайёрланаяпти.

Дунё давлатлари тажрибасидан аёнки, қишлоқ хўжалиги экинларини чанглатишда асаларичилик самараси беқиёс. Ҳисоб-китобларга қараганда, болари ёрдамида чанглатилган боғ ва экин майдонларида ҳосилдорлик 2,5-3 центнерга ошади. Айниқса, пахта толасининг сифати кўтарилади. Бунинг учун ҳар гектар боғ ва экин пайкали бошига 2-4 асалари оиласи олиб бориб қўйилса, кифоя.

Ушбу тажрибани жорий этишнинг вақти келмадимикан? Кунгабоқар, узум, уруғлик пиёз ва бедани бир четга суриб қўйинг-да, биргина пахтачиликдан келадиган самарани хомчўт қилиб кўринг. Ҳосилдорлик 2,5 центнерга ошган тақдирда ҳам, ялпи пахта хирмонига яна қанча дурдона қўшилишини тасаввур этиш қийин эмас...

— Салкам 30 йилдан буён асаларичилик билан шуғулланаман, — дейди Пахтаобод туманидаги "Асалчи Нозимжон" фермер хўжалиги раҳбари Ҳошимжон Бозоров. — Айни пайтда хўжалигимизда 250 асалари оиласини парваришлаб, йилига ўртача 4 тонна бол олаяпмиз. Жорий йилда маҳсулот тайёрлаш ҳажмини янада оширамиз. Чунки ўтган йили фаолиятимизни кенгайтириш учун қўшимча ер майдони ажратилди.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, гул, ўсимлик барглари ва пояларидан олинадиган асал ўзининг таъми, ҳиди, ранги, шунингдек, қайси фаслда қандай гулдан олинганига қараб ҳам фарқланади. Энг яхшиси — тоғ асали. Чунки у турли доривор гуллардан йиғилади-да. Беда, шафтоли, олма гулидан тўпланган болнинг ҳам сифати юқоридир.

**Б**олари — етти хазинанинг бири, оила табиби. Асалари бор хонадонга касаллик яқин йўламайди. Негаки, мутахассислар инсон организми учун фойдали микроэлементларнинг 70 фоиздан ортиғи асал таркибида мавжудлигини таъкидлашади. Шу маънода, асаларичилик ривожи нафақат иқтисодий юксалишга, балки аҳолининг энг муҳим бойлиги бўлган соғлиғини сақлаш ва уни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
















"O`zbekiston" телерадиоканали" ДУК жамоаси "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририяти катта муҳаррири Муҳаммаднозим Мавлоновга падари бузруквори

**АШИР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоаси "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси бош директори Қ. Т. Мўминовга акаси, гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби директори Г. Б. Филлиповага отаси

**Баҳодир МЎМИНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ТАРИХ КЎЗГУСИ

***Халқимиз мустақиллигимизнинг қутлуғ йигирма йиллик тўйини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Одамларимизнинг юз-кўзидаги кўтаринки кайфият ана шу муҳим сана аҳамияти билан бевосита боғлиқ. Чунки мустақиллик ҳаётимизда ёрқин саҳифаларни очди, буюк тарихимизни, улуғ аждодларимиз номини тиклаш имконини берди, иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда юксалишнинг мустаҳкам асосларини яратди. Бугун ким билан суҳбатлашманг, тинчликда, фаровонликда ўтаётган умридан рози эканини, эртанги кунга қатъий ишонч билан интилаётганини билдиради.***

**9 июнь — Халқаро архивлар куни**

Дарҳақиқат, истиқлол берган имкониятлар ҳақида исталганча сўз юритиш мумкин. Масалан, архив иши соҳасининг ўтмиши ва бугунини олайлик. Мустабидлик даврида тарихий ҳужжатларни асраб-авайлаш масаласига етарлича эътибор қаратилмагани айни ҳақиқат. Ўша вақтларда аксарият давлат архивлари ижара биноларда жойлашган, у ердаги шароитлар эса талабга жавоб бермайдиган аҳволда эди. Кадрлар тайёрлаш тизими самарали йўлга қўйилмаганлиги боис мутахассислар етишмовчилиги кузатиларди, архивларнинг моддий-техник базаси, ҳужжатларни сақлаш имконияти ҳам абгор ҳолатда эди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби архив иши соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар, модернизациялаш жараёнлари бошланди. Бу борада, аввало, ҳуқуқий пойдеворни яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, илк бор 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Архивлар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Миллий архив фонди атамаси жорий этилиб, уни шакллантиришга доир қатор меъёрий-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилдаги "Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида "Ўзбошархив" бошқармаси "Ўзархив" агентлигига, ҳокимликлар ҳузуридаги архив бўлимлари ҳудудий Архив иши бошқармаларига айлантирилди. Бу, ўз навбатида, жойларда соҳа бошқарувининг ваколатлари кенгайишига замин яратди. Шунингдек, 2008 йил 21 августда Президентимизнинг "Корея Республикаси Ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унинг ижроси доирасида республикамиз марказий давлат архивлари давлат бюджети ҳисобидан реконструкция қилиниб, замонавий кўринишга келтирилди. Грант маблағлари эвазига "Марказий давлат архивларини ахборотлаштириш" лойиҳаси амалга оширилди. Ўша йилнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳаётга жорий этилди. Унга асосан, Миллий архив фонди ҳужжатлари сақланиши ва сақлаш хавфсизлиги шароитларини такомиллаштириш, давлат архивларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар малакасини ошириш бўйича масофадан ўқитиш тизимини шакллантириш каби вазифалар белгилаб олинди.

2010 йил 15 июнда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган "Архив иши тўғрисида"ги Қонуни эса соҳада ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берди. Архивлар фаолиятига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ҳужжатларнинг безиён сақланиши асослари мустаҳкамланди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида архив иши соҳасининг энг асосий йўналишларидан саналган ҳужжатларни қабул қилиш, давлат ҳисобини юритиш, асраб-авайлаш ва улардан фойдаланиш бўйича қатор самарали ишлар бажарилди. Хусусан, 1991 йилда давлат архивларида сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари 5,4 миллион сақлов бирлигини ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб уларнинг сони 7,8 миллион сақлов бирлигига етди. Давлат архивларини жамлаш манбаига киритилган ташкилотлар сони ҳам кенгайтирилиб, бугунги кунда 8550 тадан ошди. Бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш, ташкилотларни қўшиб юбориш ва тугатиш жараёнлари архив муассасалари зиммасига алоҳида масъулият юклади. Ҳозиргача давлат сақловига фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасига хизмат қиладиган пенсия таъминотига оид 1,5 миллиондан зиёд сақлов бирлигидаги ҳужжатлар қабул қилинди.

Бундан йигирма йил муқаддам мамлакатимизда давлат архивлари сони 72 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 102 тага етди. Ўша даврларда мавжуд давлат архивларининг 5 таси махсус, 58 таси мослаштирилган, 9 таси ижара биноларда фаолият юритган бўлса, эндиликда 13 таси махсус ва 89 таси мослаштирилган биноларга эга. Шунингдек, ўтган йили Самарқанд, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида янги архив бинолари қад ростлади, 3 та архив биноси реконструкция қилинди. Жорий йилда яна 15 та янги архив биноси қурилиши ва битта бино реконструкция қилиниши режалаштирилган.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини изчил ривожлантириш, давлат ва жамият қурилиши тизимида уни кенг жорий этиш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар архив иши соҳасида ҳам ўз ифодасини топаётир. Жумладан, давлат архивлари тўлиқ компьютерлаштирилди, идоралар ўртасида электрон ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилди, архивларда сақланаётган ҳужжатларга оид электрон маълумот базалари яратилди. Республикамиз бўйича ҳозиргача 870 минг варақ алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхалари яратилди.

Давлат архивларида сақланаётган бебаҳо архив ҳужжатларига бўлган қизиқиш ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар мустақилликкача давлат архивлари томонидан республикамиз бўйича ҳар йили 149 тадқиқотчига хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 7 бароварга ўсиб, архивларда изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи ва ҳужжатлардан фойдаланувчилар сони йилига 1070 нафарни ташкил этмоқда. Архивларда сақланаётган ҳужжатлар асосида 2010 йилнинг ўзида фуқаролар ва ташкилотларнинг 300 мингдан зиёд, шу жумладан, давлат архивларида 80 мингдан ортиқ ижтимоий-ҳуқуқий ва 7 мингдан ортиқ мавзули сўровлари ижро этилди.

Ҳар бир соҳанинг ривожи бевосита кадрлар тайёрлаш тизимининг қандай йўлга қўйилганига боғлиқ. Шу боис 2004 йилда Ўзбекистон Миллий университетида архившунослик бўлими очилди. Бугунги кунда ЎзМУ ва Тошкент давлат маданият институтида олий маълумотли архившунослар тайёрланмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, 2010 йилдан бошлаб Ўзбекистон Миллий университетида мазкур соҳанинг магистратура йўналиши ҳам ташкил этилди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон архив хизмати халқаро ҳамжамиятида ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Қатор давлатлар архив хизматлари билан архив иши соҳасида ҳамкорлик қилиш юзасидан битимлар, келишувлар ва меморандумлар имзоланди. Россия архив хизмати, Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги, Корея Республикаси ҳукумати, Миср миллий кутубхонаси ва архивлари билан йўлга қўйилган ҳамкорликлар шулар жумласидандир.

Маълумки, 1948 йил 9 июнда Парижда ЮНЕСКО қарори билан Халқаро архивлар кенгаши ташкил этилди. Ушбу кенгаш аъзоларининг 2007 йил ноябрдаги қарорига кўра, ҳар йили 9 июнь — Халқаро архивлар куни сифатида нишонланадиган бўлди. "Ўзархив" агентлиги 2009 йилдан буён Халқаро архивлар кенгаши аъзоси ҳисобланади. Бу орқали жаҳонда архив иши соҳасида қўлланилаётган илғор тажрибалардан хабардор бўлиш, шунингдек, архившуносларнинг хорижий давлатларда малака оширишларига имконият туғилди. Шу кунга қадар республикамиз архивчилари Малайзия, Польша, Корея Республикаси, Греция, Германия ҳамда Ҳамдўстлик давлатларининг бу борадаги тажрибалари билан яқиндан танишишди.

**Юртимизда архив иши соҳаси тобора замон талаблари даражасида ривожланиб бормоқда. Бу эса, табиийки, бебаҳо тарихий манбаларимизни, истиқлол йилларида эришган улкан ютуқларимиз ҳақидаги маълумотларни келгуси авлодларга бекаму кўст етказишда муҳим аҳамиятга эгадир.**

**Дилдора КУЧАРОВА,**
**«Ўзархив» агентлиги бош директори ўринбосари.**

Барча вазирликлар, давлат идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда

барча вазирликлар, давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг кадрлар билан ишлаш тузилмалари ходимларининг малакасини ошириш курси ташкил қилинмоқда.

Мазкур курсда тингловчилар қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитилади:

[illegible]

Малака ошириш курсида ўқиш бўйича Юристлар малакасини ошириш марказига (телефонлар: (8-371) 232-19-65, 236-79-64) ёки Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига (8-371) 239-41-13, 239-45-79) мурожаат қилиш мумкин.




## ОБ-ҲАВО

**(9 июнь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари**. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 20-22, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

**«Beauty Expo — 2011»**

***Пойтахтимиздаги "Наврўз" мажмуасида "Beauty Expo — 2011" халқаро ихтисослаштирилган гўзаллик кўргазмаси иш бошлади. Мазкур тадбир "TNT Expo" халқаро кўргазмалар компанияси, Ўзбекистон Сартарошлар уюшмаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.***

# ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ ЖОЗИБАСИ



Кўргазмада гигиена воситалари, пардоз ашёлари, табиий гиёҳлар ҳамда биологик фаол дармондорилар, заргарлик буюмлари, пластик жарроҳлик, сартарошхона ва косметологияда қўлланиладиган техник жиҳозлар намойиш этилаяпти. Шунингдек, экспозицияга ташриф буюрувчилар гўзаллик салонлари ва эстетик тиббиёт клиникаларининг хизмат турлари билан ҳам яқиндан танишишлари мумкин.

Эътиборлиси, пойтахтимизда еттинчи бор ўтказилаётган мазкур кўргазмада Греция, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Покистон, Польша, Россия, Швейцария сингари жаҳоннинг ўн уч мамлакатидан 40 дан зиёд компания вакиллари ҳам қатнашмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар ушбу халқаро компанияларнинг таниқли брендлари қатори халқаро бозорда ўз ўрнини топиб бораётганлиги диққатга молик. Хусусан, мамлакатимизда фаолият юритаётган ана шундай ташкилотлардан бири масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Миртехнополимер" компаниясидир. Ушбу корхона жорий йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган "Интербитхим — 2011" 5-халқаро кўргазмасида лауреатлик дипломи билан тақдирланди. Бундай эътирофга, табиийки, компания маҳсулотларининг нархи, сифати ва харидоргирлиги сабаб бўлди.

— Маҳаллий бозорда етти йилдан буён фаолият кўрсатмоқдамиз, — дейди компания менежери Юрий Сакулин. — Корхонамизда тозалик ва ювиниш воситалари ишлаб чиқарилади. Юртимиздаги бир қатор даволаш масканлари, сервис хизмати шохобчалари, мактабгача таълим муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуаларида маҳсулотларимиз кенг қўлланилмоқда. Ушбу халқаро кўргазма эса уларни мижозларга янада яқиндан таништириш имконини бераётир.

Кўргазмада "Ле асант косметикс", "Отанафасова З.А", "Шрей фармасютиклс", "Volna.uz", "Биолайф" каби маҳаллий ва хориж компанияларининг пардоз воситалари, техник асбоб-ускуна ҳамда хизматлари ҳам мижозлар ва ҳамкорлик истагидаги ташкилотлар эътиборини жалб этмоқда.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** кўргазма фаолиятидан лавҳа.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ЮКСАК ИҚТИДОРИ

## дунё миқёсида ҳам кенг тан олинмоқда

(Давоми. Боши 2-бетда).

Концерт якунида кўплаб меҳмонлар "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан ушбу мусиқий кечадан олган таассуротларини ўртоқлашишди.

**Қоҳирадаги "Ўрта Осиё" интернет-ахборот агентлиги бош муҳаррири Ало Фаруқ**нинг таъкидлашича, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асос солган ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий ва бошқа соҳаларни қамраб олган "ўзбек модели", дарҳақиқат, ўзбек халқи тараққиётининг нодир намунаси бўлиб, унинг асосида миллий санъатимиз ва маданиятимиз ҳам юқори чўққиларга чиқмоқда.

— Аминманки, ўзбек халқ амалий санъати намуналари билан безатилган саҳнада ўзбекистонлик созандалар томонидан ижро этилган классик ва замонавий асарлар мисрлик мусиқа ихлосмандлари қалбини ром этди, — деди у жумладан.

**Мисрнинг "Ал-Масаийя" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Муҳаммад Салома**нинг фикрича, бугунги кечада ўзбекистонлик санъаткорлар томонидан скрипка ва роялда ижро этилган ўзбек ҳамда классик композиторларининг асарлари барча иштирокчиларга хушкайфият бағишлади. Унинг қайд этишича, "Мазкур концерт, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг бетакрор ва ўзига хос меросга, олий мусиқа мактаби ҳамда ноёб истеъдод соҳибларига бой эканлигини яна бир карра исботлади".

**«Жаҳон» АА.**
Қоҳира

UZTRANSGAZ
JOINT-STOCK COMPANY AKSIADORLIK KOMPANIYASI

«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

*Ҳурматли юртдошлар!*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ,**

**жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрига қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.**

**Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.**

754R/667

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 67044 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5